³⁷Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности Сингапурского института развития менеджмента в городе Ташкенте». [Электронный ресурс] URL: <https://lex.uz/docs/1244065> (Дата обращения 07.05.2020).

3 марта 2008 года были подписаны учредительные документы совместного предприятия “MDIS in Tashkent limited liability company”³⁸.

Первый набор в СИРМ в Ташкенте прошел в 2008 году по программам бакалавриата, а с октября 2009 года филиал открыл программу обучения в магистратуре³⁹.

Основной целью открытия СИРМ в Ташкенте являлась реализация и эффективное использование потенциала молодежи, расширение международного сотрудничества в сфере высшего образования, а основной задачей СИРМ – подготовка бакалавров по направлениям «Банковское дело», «Управление бизнесом», «Туризм» и «Современные IT в бизнесе»⁴⁰.

Представители политических кругов Сингапура придают большое значение открытию Сингапурского института развития Менеджмента (СИРМ) в Ташкенте, который, по их мнению, способствует укреплению роли Узбекистана, как научного и культурного хаба Центральной Азии⁴¹.

В 2010 году по итогам проведенных узбекско-сингапурских политических консультаций было отмечено, что Сингапур заинтересован в сотрудничестве не только в экономической и политической, но также и в культурно-гуманитарной сфере⁴².

В марте 2016 года в Сингапуре прошла встреча руководителя СИРМ с представителями Посольства Республики Узбекистан, в рамках которой Генеральный секретарь СИРМ выразил заинтересованность в дальнейшем расширении сфер обучения студентов, в частности, включении в программу преподавания дополнительных учебных направлений «Мода и дизайн» и «Возобновляемые источники энергии»⁴³.

13-26 мая 2018 года была организована ознакомительная поездка в Республику Узбекистан делегации Национального университета Сингапура (НУС), во главе с сотрудником международного отдела Ж. Тангом⁴⁴.

В диссертации охарактеризован визит делегации Министерства культуры Узбекистана в Сингапур, состоявшийся 13-14 марта 2019 года, во время которого была организована встреча с руководством Министерства культуры, сообщества и молодежи, колледжа искусств Ласаль, Исламского религиозного совета и центра межнациональной толерантности Сингапура, а также освещено участие представителей Сингапура на XII-м международном музыкальном фестивале «Шарк тароналари»⁴⁵.

³⁸ААПРУз. Ф.975. Оп. 30. Д. 1042. Л.138.

³⁹Хорижий мамлакатларда узлуксиз таълим тизими-Сингапурда таълим // Узлуксиз таълим. Токшент, 2013, №6. – 119-125. Бб.

⁴⁰ААПРУз. Ф.975. Оп. 30. Д. 1042. Л.137.

⁴¹Там же. Ф.975. Оп.30. Д.1094. Л.9.

⁴²Там же. Ф.975. Оп. 30. Д. 1371. Л.145.

⁴³Текущий архив МИДа Республики Узбекистан // Сингапур. Министерства и ведомства 2015-2020. / Обращении руководства MDIS. Л.9.

⁴⁴Там же // Посольство Республики Узбекистан в Сингапуре 2015-2020. Л.12.

⁴⁵Стали известны, какие музыкальные коллективы примут участие в международном фестивале Sharq taronalari. [Электронный ресурс] URL: <https://nuz.uz/kultura-i-iskusstvo/42368-stali-izvestny-kakie-muzykalnye-kollektiviy-primut-uchastie-v-mezhdunarodnom-festivale-sharq-taronalari.html> (Дата обращения 15.05. 2020).

Начало сотрудничества двух стран в сфере туризма можно отнести к 2007 году, когда в результате подписания межправительственных соглашений⁴⁶, была создана основа для укрепления двусторонних связей в сфере туризма.

Опираясь на анализ исследования можно отметить, что в период 2007 – 2016 года Узбекистан посетили 145 туристов из Сингапура, а Сингапур – 88 туристов из Узбекистана⁴⁷.

В работе показано сотрудничество двух стран в сфере «Зиёрат туризма» и отмечено, что с 21-23 февраля 2019 года в историческом городе Бухара был организован Первый международный форум по зиёрат-туризму, во время которого между государственным унитарным предприятием (ГУП) «Национальный PR-центр» при Министерстве туризма и спорта Узбекистана и компанией «CrescentRating & HalalTrip» (Сингапур) был подписан Меморандум «О взаимопонимании»⁴⁸, а 29 июля 2019 года в столице Республики Узбекистан состоялась презентация Сингапурского агентства «CrescentRating», посвященная проектам внедрения в Узбекистане системы услуг «Мусульманское гостеприимство»⁴⁹.

Анализ показал, что с 2016-2020 года число туристов, посещавших Узбекистан и Сингапур резко возросло. Например, Узбекистан посетили 3792 туристов из Сингапура, а Сингапур – 7221 турист из Узбекистана⁵⁰, в основном, с целью паломнического и краеведческого туризма.

В заключении третьей главы отмечено, что для Сингапура развитие гуманитарных связей с Узбекистаном остается одним из приоритетных направлений внешней политики и разработана периодизация сотрудничества двух стран в сфере туризма: первый этап (2007-2016), второй этап (2016-настоящее время).

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Подводя итоги исследования истории двустороннего сотрудничества Узбекистана и Сингапура (1991-2020), можно констатировать:

1. Первые практические шаги для создания фундамента сотрудничества Узбекистана и Сингапура были заложены во время подписания временного Соглашения о воздушном пространстве в 1993 году. Однако из-за экономической неэффективности, в 1995 году данное Соглашение было расторгнуто. В то же время, в исследовании определено, что установление дипломатических отношений Узбекистана и Сингапура в 1997 году, к сожалению, не оказало положительного эффекта на развитие многосторонних связей между странами;

⁴⁶Информация предоставлена Управлением международных связей и протокола Министерства туризма и спорта Республики Узбекистан (27.11.2020).

⁴⁷Информация предоставлена Государственным комитетом Республики Узбекистан по статистике (04.11.2020).

⁴⁸Создан узбекско-сингапурский центр по развитию туризма // Правда Востока. 6 марта 2019 года, № 45.

⁴⁹В столице прошла презентация рейтинга услуг «Мусульманское гостеприимство» [Электронный ресурс] URL: <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=619> (Дата обращения 19.07.2020).

⁵⁰Информация предоставлена Государственным комитетом Республики Узбекистан по статистике (04.11.2020).

2. В исследовании установлено, что интенсивное развитие двусторонних взаимоотношений Узбекистана и Сингапура было начато лишь в 2007 году, в результате организации Государственного визита правительства Республики Узбекистан в Сингапур, в рамках которого были подписаны межправительственные соглашения и договора, ставшие прочной основой для дальнейшего межгосударственного сотрудничества в политическом, экономическом и культурно-гуманитарном направлениях;

3. После установления двустороннего сотрудничества Узбекистан и Сингапур активно взаимодействуют в рамках международных и региональных организаций. В исследовании показано, что приоритетным направлением для двух стран является сотрудничество в рамках Организации Объединенных Наций, в которой внешнеполитические институты двух государств поддерживают принципиальные позиции друг друга и основные принципы ООН, направленные на борьбу с терроризмом, наркотрафиком, религиозным экстремизмом. В рамках отдельных международных и региональных организаций Узбекистан имеет ряд вопросов, решению которых может способствовать позиция Сингапура. В частности, вопросы вступления Узбекистана во Всемирную Торговую Организацию (ВТО), подготовка переговорщиков по ним, были рассмотрены в ходе учебного-семинара в Сингапуре. Государства активно взаимодействуют и в рамках Азиатского Банка Развития;

4. Активное развитие двустороннего сотрудничества Узбекистана и Сингапура стало наблюдаться с 2007 года. Именно с этого времени дипломатические отношения между двумя странами вступили на качественно новый уровень. В частности, принятые во время Государственного визита главы Узбекистана в Сингапур межправительственные документы способствовали расширению взаимоотношений двух стран;

5. В экономическом направлении двусторонние связи Узбекистана и Сингапура имели место еще до установления дипломатического сотрудничества. Так, уже в начале 90-х годов XX века на территории Узбекистана были открыты совместные торговые предприятия, занимавшиеся, в основном, торговлей, производством пищевой и мебельной промышленности. Вместе с тем, в диссертационной работе выявлено, что до 2007 года, Узбекистан и Сингапур, в основном, сотрудничали в сфере торговли, и только начиная с 2007 года во взаимоотношениях двух стран в сфере экономики стали наблюдаться позитивные изменения. С этого времени крупные сингапурские предприятия стали более активно инвестировать финансовые средства в промышленное развитие Узбекистана, в том числе, текстильную отрасль;

6. Важным достижением сотрудничества в сфере образования является открытие Сингапурского института развития менеджмента в городе Ташкенте, эффективно влияющего на развитие взаимоотношений двух государств. В то же время, активно развиваются взаимоотношения двух стран в области науки, что определяется активным участием представителей Узбекистана в краткосрочных и долгосрочных учебных курсах, организуемых в Сингапуре.

Сотрудничество двух стран в сфере культуры, как показало исследование, не является приоритетным направлением. Несмотря на это, посольство Республики Узбекистан в Сингапуре, участвуя в культурных мероприятиях, активно продвигает духовно-культурные ценности Узбекистана;

7. Сотрудничество двух стран в сфере туризма является одним из важных направлений экономического развития Узбекистана. Проведенное исследование показало, что изначально установленные дипломатические отношения не оказали положительного влияния на укрепление и развитие сотрудничества между Узбекистаном и Сингапуром в сфере туризма. Так, в период с 2005-2006 гг., Узбекистан посетило всего 27 граждан Сингапура, из которых лишь 4 прибыли в качестве туристов;

8. Посольство Республики Узбекистан в Сингапуре, организует туристические ярмарки и участвуя в них способствует привлечению сингапурских туристов в Республику. Например, в 2016 году, согласно программе адресных мероприятий по развитию сферы туризма и увеличению экспортного потенциала туристических услуг в регионах республики, были организованы 6 презентаций туристического потенциала Республики Узбекистан в Сингапуре. Благодаря этому наблюдается рост числа туристов в обоих направлениях. Так, уже в 2016-2020 годах в Узбекистане побывали 3792 туриста из Сингапура, а Сингапур посетил 7221 из Узбекистана. Однако, на наш взгляд, работа проводимая посольством в данном направлении недостаточно активна. Созданный по инициативе сингапурской стороны совместный Узбекско-сингапурский центр по развитию туризма оказывает положительное воздействие на динамику роста прибытия сингапурских туристов в Узбекистан, а также способствует развитию в Узбекистане «Зиёрат туризма».

9. Разработана периодизация двусторонних отношений Узбекистана и Сингапура, включающая в себя три этапа: первый этап (1991 – 2006 гг.), второй этап (2007-2016 гг.), третий этап (2017 – по настоящее время) с различной степенью их характеристики и детализаций.

Результаты исследования послужили для выдвижения следующих рекомендаций и предложений научно-практического характера:

1. Исходя из положительных результатов последних визитов в Республику Узбекистан представителей Сингапура, считаем целесообразным, Олий Мажлису Республики Узбекистан на регулярной основе проводить межпарламентские встречи с представителями парламента Сингапура, для дальнейшего изучения опыта Сингапура в сфере законодательства, а также для обмена специалистами парламентов двух стран, соответственно. С целью дальнейшего прогрессивного развития нашей страны Министерству инновационного развития Республики Узбекистан рекомендуется укрепить совместное сотрудничество с Агентством по развитию науки, технологии и исследования Сингапура.

2. Исходя из последних решений правительства Республики Узбекистан, направленных на эффективную борьбу с коррупцией в стране, в том числе, создания Агентства по противодействию коррупции, целесообразно

привлекать специалистов Бюро по расследованию коррупции в Сингапуре, имеющих положительный имидж на международной арене, для обмена практическим опытом в борьбе против коррупции;

3. Рекомендуются проведение целенаправленной работы двух стран в сфере образования, путем установления сотрудничества с высшими образовательными учреждениями Узбекистана и Сингапура, рассчитанной на длительную перспективу. Установление связей, заключающихся в организации регулярных практических стажировок, как в Узбекистан, так и в Сингапур, будут способствовать повышению научного потенциала, как в гуманитарных, так и в естественно-научных направлениях. Учитывая, принятую Концепцию “Развития системы Высшего образования до 2030 года”, флагманским университетам Узбекистана, в том числе, Национальному университету Узбекистана имени Мирзо Улугбека и Самаркандскому Государственному университету рекомендуется установить тесные контакты с ведущими вузами Сингапура, с привлечением известных профессоров и преподавателей для чтения лекций в высших образовательных учреждениях Узбекистана;

4. С целью модернизации туристической отрасли Узбекистана рекомендуется организовывать практические учебные курсы и вебинары в Сингапуре для сотрудников Министерства туризма и спорта Республики Узбекистан, а также привлекать специалистов Сингапурского совета по туризму в Узбекистан для внедрения их опыта и практических знаний в модернизацию туристической отрасли Узбекистана.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАКИРОВ ИЛЪЯС РАХИМЗЯНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАРИХИ
(1991-2020 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tar494. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нуриддинов Эркин Зухридинович
тарих фанлари доктори, профессор

Маҳкамova Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 12 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-кават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz (Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (111 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «18» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «19» 07 даги _____ рақамли реєстр баённомаси.)


Юнусова Х.Э.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. (PhD)

И.У.Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XXI асрда давлатларнинг икки томонлама ҳамкорлигининг ўзгариб боришида глобаллашув жараёнлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай шароитда сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишлар ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш мамлакатлар учун ривожланишнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган геосиёсий ўзгаришлар замонавий дунёда давлатлараро муносабатлар тарихини тадқиқ этиш заруриятини илгари сурмоқда. Жаҳоннинг бир қатор илмий тадқиқот марказларида мамлакатларнинг кўп томонлама алоқаларини ўрганиш муҳим йўналишлардан бири саналиб, уларда ҳамкорликлар таҳлили, мутахассис-дипломатлар тайёрлаш, ўзбек-сингапур муносабатлари истиқболларини ўрганиш бўйича маълум изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Сингапурнинг икки томонлама муносабатлар тарихини ёритиш махсус тадқиқот сифатида амалга оширилмаган. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон ва Сингапур давлатларининг кўптомонлама алоқалари тарихини тадқиқ этиш долзарблигини белгилаб беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонни узоқ ва яқин хорижий давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш борасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жанубий-шарқий Осиёнинг етакчи давлатлари, хусусан, Сингапур билан ўзаро манфаатли муносабатлар олиб бормоқда. “Мустақиллик йилларида узоқ муддатли дўстона муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар, шунингдек, халқаро алоқалар тизимини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилди”¹. Ушбу омиллар Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалаларини тадқиқ этиш долзарб эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2007 йил 13 февралдаги ПҚ-581-сон “Сингапур Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-

¹Ўзбекистон ва Сингапур Президентлари табрик мурожаатлари билан алмашди [Электрон ресурс] URL: <https://uza.uz/ru/posts/prezidenty-uzbekistana-i-singapura-obmenyalis-pozdravitelnym-22-04-2017> (Мурожаат санаси 20.05.2020).

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари, хусусан, Осиё китъаси мамлакатлари билан халқаро муносабатларига доир турли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу нашрларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида уларни иккита асосий гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий жиҳатларини тадқиқ этган маҳаллий муаллифларнинг илмий ишларини киритиш мумкин. Булар қаторида А.Касымов, И.Васькин, М.Бабаходжаев, Э.З.Нуриддинов, Х.Гуломов, А.Холлиев, С.Жураев, Л.М.Бабаходжаева, Р.Б.Сиддиков, О.П.Кобзева, М.А.Рахимов, Ш.Арифханов²ларнинг асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маълум давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тарихини ёритувчи диссертациялар³ни қайд этиш жоиз.

²Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1994. – 112 с.; Бабаходжаев М. Республика Узбекистан: очерки межнациональных межконфессиональных отношений, внешнеэкономических связей. – Ташкент, 1996. – 78 с.; Его же. Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики. – Ташкент, 2004. – 336 с.; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чўлпон, 2002. – 216 с.; Его же. Республика Узбекистан – Япония: грани сотрудничества. – Ташкент, 2017. – 154 с.; Гуломов Х., Холлиев А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. – Ташкент: Университет, 2002. – 118 с.; Киргизбаев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Сафоев С. Марказий Осиёда геосиёсат. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – 160 б.; Жўраев С ва бошқ. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. – Тошкент: Академия, 2005. – 36 б.; Бабаходжаева Л. М. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). 2-е изд., перераб. и доп. – Ташкент, 2011. – 218 с.; Сиддиков Р.Б. Международное сотрудничество Республики Узбекистан в борьбе с терроризмом. – Ташкент, 2011. – 75 с.; Кобзева О.П., Сиддиков Р.Б. Международное сотрудничество Республики Узбекистан в годы независимости. – Ташкент, 2016. – 106 с.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в ЦА. – Ташкент: Янги нашр, 2011. – 230 с.; Арифханов Ш. Центральная Азия: настоящее и будущее: геополитика, геоэкономика, безопасность. – Ташкент: Extremum Press, 2012. – 250 с.; Фармонов Р., Жураев Қ. Халқаро муносабатлар тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2013. – 153 б.

³Петров С.Х. Становление внешней политики Республики Узбекистан. Автореф. канд. полит. наук. – Москва, 1997. – 21 с.; Шарапова С.Ш. Основные проблемы становления и развития внешней политики Республики Узбекистан. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Ташкент, 1997. – 21 с.; Ташматова К.Б. Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991-2011 гг.). Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 190 с.; Рахимов М.А. Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН 1991-1999 гг. (на примере ЮНЕСКО). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – С. 30; Его же. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010). Автореф. дисс. док. ист. наук. – Ташкент, 2012. – С. 47; Азизов И. Взаимодействие Республики Узбекистан с организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в решении актуальных задач страны (1991-2017 гг.). Автореф. док. философ. по ист. наукам (PhD). – Ташкент, 2019. – 39 с.; Пулатова С.А. Развитие международных культурных связей независимого Узбекистана и их значение как фактора укрепления стабильности (на примере культурных связей с зарубежными странами Востока). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – С. 22; Петров С.Х. Становление внешней

Жумладан, А.Касымов ва И.Васькиннинг асарларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг шаклланиш босқичлари очиб берилган⁴. А.К.Киргизбоев Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги масалаларига асосий эътибор қаратган⁵. Шу ўринда АСЕАН мамлакатлари ташқи сиёсати ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигини тадқиқ этган Г.Жўраеванинг⁶ ишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Умуман олганда, маҳаллий олимлар тадқиқотларининг таҳлили Ўзбекистон ва Сингапур муносабатлари тарихи масалалари махсус илмий иш сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатади. Икки томонлама муносабатларни ёритиб берувчи, ҳамкорликнинг алоҳида жиҳатларига оид махсус монография мавжуд бўлмай, тадқиқотчилар уни факатгина халқаро алоқалар, иқтисодиёт ёки маданият масалалари билан боғлиқ тарзда ўрганган.

Иккинчи гуруҳга хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари мансуб бўлиб, уларда Сингапурнинг мустақил даври тарихи ва унинг ташқи сиёсати акс этган ишларида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар йўналишлардаги ривожланиш тарихи ёритилган⁷ ва халқаро миқёсда фаолият юритаётган тарихчи, сиёсатшунос ва таҳлилчиларнинг ишларини киритиш

политики Республики Узбекистан. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Москва, 1997. – 21 с.; Саидазимова Г.И. Интеграция как глобальный процесс и её значение для государств Центральной Азии (на примере Юго-Восточной Азии). Дисс. канд. полит. наук. – Ташкент, 2001. – 189 с.; Кучкаров Ч. Экономические связи Республики Узбекистан со странами Азии (1985-1995). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1997. – 27 с.; Асадова Р.Б. Сотрудничество между Узбекистаном и Индией в области экономики и культуры: исторические основы и современное состояние (1991-2001). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2007. – 27 с.; Азизов С. Из истории научно-культурных и экономических связей Узбекистана и Японии (конец 1920 и начало 1990). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2000 – 24 с.; Сун Дон Ги. Становление и перспективы экономических, культурных связей Республики Узбекистан и Южной Кореи. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 30 с.; Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 г.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан. Дисс. канд. полит. наук. – Ташкент, 2002. – 167 с.; Ибрагимова Н. Сравнительный анализ политических взаимоотношений Республики Узбекистан с Республикой Индия и Исламской Республикой Пакистан на современном этапе. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Ташкент, 2004; Атаджанова С. Научно-техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991-2001). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2009. – 24 с.; Гофуров Н. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларидаги ҳамкорлиги (1991-2001 йиллар). Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 29 с.; Тошматов К. Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991-2011 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 29 с.; Усаров Ф.У. Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 2010. – 165 б.; Джураева Г.А. АСЕАН Осиё-Тинч океани минтақасида халқаро муносабатлар тизимида. Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 65 с.

⁴Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – С. 3-64.

⁵Киргизбаев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 280.

⁶Джураева Г.А. АСЕАН Осиё-Тинч океани минтақасида халқаро муносабатлар тизимида. Сиёсат. фан. док. дисс. автореф. – Ташкент, 2018. – 65 с.

⁷Ли Куан Ю. Из третьего мира в первый: История Сингапура (1965-2000). – Москва: МГИМО, 2005. – 576 с.; Гуревич Э. М. Политическая система современного Сингапура. – Москва: Наука, 1984. – 118 с.; Её же. Сингапур: справочное пособие. – Москва: Мысль, 1970. – 110 с.; Её же. Социально-экономические проблемы развивающихся стран. – Москва, Мысль, 1970. – 105 с.; Её же. Внешняя политика Сингапура. – Москва: Наука, 1989. – 165 с.; Калашников Н.И. Сингапур: проблемы города-государства. – Москва: Знание, 1981. – 64 с.; Курзанов В.Н. промышленное развитие Сингапура. – Москва: Наука, 1978. – 134 с.; Пахомова Л.Ф. Модели процветания (Сингапур, Малайзия, Таиланд, Индонезия). – Москва: Институт Востоковедения РАН, 2007. – 256 с.; Сигов Ю. Сингапур восьмое чудо света. – Москва: Альпина нон-фикшн, 2019. – 334 с.; Лю Юн-ань. Современный Сингапур: справочное издание. – Москва: Наука, 1976. – 163 с.

мумкин⁸. Зб.Бжезинский, Г.Киссенджер ва С.Хантингтоннинг тадқиқотлари геосиёсат, геоиқтисодиёт ва халқаро муносабатлар масалаларига бағишланган. Р.Вайтс, Ф.Старр ва С.Э.Корнелл, Роллие Лал, И.В.Халанский ўз тадқиқотларида Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро алоқалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан муносабатларини таҳлил этиб берган. Мазкур тадқиқотлар орасида Ф.Старр ва С.Э.Корнеллнинг⁹ ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларда халқаро алоқалар, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар баён этилган. Мазкур ишларда муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини очиб беришга ҳаракат қилган. Мазкур наشرларда Ўзбекистон ва Сингапур алоқалари ҳақида маълумотлар кам учрайди ва бу масалалар Сингапурнинг ташқи иқтисодий фаолияти негизида баён этилган.

Ушбу гуруҳ адабиётларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатлар масаласи тарихий нуқтаи назардан алоҳида диссертация доирасида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, №ОТ-А1-31 “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов замондошлари хотирасида” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2020 йилларда Ўзбекистон ва Сингапурнинг икки томонлама ҳамкорлиги тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилишининг асослари ҳамда омилларини ёритиш;

мамлакатлар ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосларига тавсиф бериш;

Ўзбекистон ва Сингапурнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар тизимидаги ҳамкорлигини тадқиқ этиш;

иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг ўсиш суръатларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон ва Сингапурнинг таълим, илм-фан ва маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги тарихини ўрганиш;

⁸Қаранг: Бжезинский Зб. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – Москва: Международные отношения, 1998. – 112 с.; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – Москва: АСТ, 2015. – 571 с.; Киссенджер Г. Мировой порядок. – Москва, 2015. – 226 с.; Weitz Richard. Uzbekistan’s New Foreign Policy: Change and Continuity under New Leadership // Washington D.C. – USA, 2018. – 52 p.; Frederick Starr, Svante E. Cornell. Uzbekistan’s New Face (American Foreign Policy Council). – USA. Rowman & Littlefield, 2018. – 240 p.; Rollie Lal. Central Asia and Its Asian Neighbors: Security and Commerce at the Crossroads. – Rand Publishing, 2006. – 62 p.; Халанский И. Интеграция Центральной Азии в контексте глобализации. – Бишкек, 2014. – 643 с.

⁹Frederick Starr, Svante E. Cornell. Uzbekistan’s New Face (American Foreign Policy Council). – USA. Rowman & Littlefield, 2018. – 240 p.

мамлакатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини очиб бериш;

Ўзбекистон ва Сингапурнинг келгуси ҳамкорлигига доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлигининг ривожланишини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ва Сингапурнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни шарҳлаш методларидан фойдаланилган ҳамда у тарихийлик тамойилига асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлиги тарихи икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатилганлиги ва ривожлана бошлаганлиги (1991-2006 йй.), Ўзбекистон Сингапурнинг Марказий Осиёдаги стратегик ва иқтисодий ҳамкорига айланганлиги (2007-2016 йй.), парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши, таълим, маданият, туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтиши, икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсиши билан фарқланиши (2017 йилдан бошлаб ҳозиргача) каби уч босқичда ривожланганлиги далилланган;

Сингапур туроператорлари томонидан 15% аҳолиси мусулмон бўлган Жанубий-Шарқий Осиёда Ўзбекистоннинг нафақат тарихий-маданий мероси билан танишиш, балки кичик ҳажми амалга ошириш истагидаги сайёҳларга туризм имкониятларини фаол тарзда тарғиб этилаётганлиги натижасида икки давлат ўртасида зиёрат туризми жадал ривожланаётган ҳамкорлик йўналишига айланганлиги асосланган;

2000 йилда Ўзбекистон томонидан Сингапур номзодининг БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига доимий бўлмаган аъзо сифатида (2001-2002 йиллар давомида) кириши ҳамда 2004 йилда Хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш кўмитасига аъзо бўлиши қўллаб-қувватлангани, Сингапур томонидан Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши қўллаб-қувватлангани далилланган;

2010 йилда Ўзбекистон тўқимачилик саноатига Сингапур ва Жанубий-Шарқий Осиёда истиқболли истемол бозорига эга бўлган ва самарали ривожланаётган соҳа сифатида илк бор Сингапурнинг (Indorama group компанияси) тўғридан-тўғри сармояси муваффақиятли жалб этилгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Сингапурнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги икки томонлама муносабатларининг муаллиф томонидан даврлаштирилиши таклиф этилган, уларда ҳамкорликнинг турли босқичларида Ўзбекистон ва Сингапурнинг давлатлараро алоқалари ривожининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган;

Сингапур ҳукумати мамлакат ичидаги муаммоларни бартараф этиш имконини берган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ва

Сингапурнинг иқтисодий йўналишдаги, шунингдек, таълим тизими ва туризм соҳасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш зарурати асослаб берилган;

Сингапурнинг тегишли давлат институтлари билан яқин алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш орқали келгусида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш сиёсати ва инновацион тараққиётни янада мустаҳкамлашга доир амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шу билан асосланадики, Ўзбекистон ва Сингапурнинг халқаро алоқаларининг ёритилиши, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Инвестиция ва ташқи савдо, Туризм ва спорт вазирликлари ва Савдо-саноат палатасининг жорий архивлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси статистика бўйича Давлат қўмитасининг материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ва Сингапурнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишлардаги икки томонлама ҳамкорлигининг ҳолисона тадқиқ этилиши жараёнида диссертация тадқиқотидан олинган хулосалар ва таҳлилий материаллар Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Олинган натижалар асосида Умумий тарих ва Дипломатия тарихи бўйича махсус курслар, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича дарсликларни янги маълумотлар билан бойитиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги амалий фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1991-2020 йилларда Ўзбекистон ва Сингапурнинг иккитомонлама ҳамкорлиги тарихи бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлиги тарихи икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатилганлиги ва ривожлана бошлаганлиги (1991-2006 йй.), Ўзбекистон Сингапурнинг Марказий Осиёдаги стратегик ва иқтисодий ҳамкорига айланганлиги (2007-2016 йй.), парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши, таълим, маданият, туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтириши, икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсиши билан фарқланиши (2017 йилдан бошлаб ҳозиргача) каби уч босқичда ривожланганлигига оид илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2020 йил 5 ноябрдаги №10/1-07-103 маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон ва Сингапур давлатлараро ва парламентлараро алоқаларини янада мустаҳкамланишига хизмат қилиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлини муҳим йўналишларини белгилаб олиш имконини берган;

Сингапур туроператорлари томонидан 15% аҳолиси мусулмон бўлган Жанубий-Шарқий Осиёда Ўзбекистоннинг нафақат тарихий-маданий мероси билан танишиш, балки кичик ҳажни амалга ошириш истагидаги сайёҳларга туризм имкониятларини фаол тарзда тарғиб этилаётганлиги натижасида икки давлат ўртасида зиёрат туризми жадал ривожланаётган ҳамкорлик йўналишига айланганлиги тўғрисидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан фойланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 02-19/4602-сон маълумотномаси). Натижада икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамланишига қаратилган инновациялар соҳасидаги Ўзбекистон ва Сингапур икки томонлама ҳамкорлигининг замонавий устивор йўналишларини очиб бериш имкониятини берган;

2000 йилда Ўзбекистон томонидан Сингапур номзодининг БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига доимий бўлмаган аъзо сифатида (2001-2002 йиллар давомида) кириши ҳамда 2004 йилда Хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш қўмитасига аъзо бўлиши қўллаб-қувватлангани, Сингапур томонидан Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши қўллаб-қувватлангани тўғрисидаги илмий хулосалар “O'zbekiston tarixi” телеканалидаги “Такдимот” кўрсатувини тайёрлашда қўлланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 июндаги № 02-10-1009 маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ва Сингапурнинг иккитомонлама ҳамкорлиги тарихини ёритиб бериш ва кенг жамоатчиликка Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикаси ҳамкорлиги тўғрисида кенгрок маълумотлар олиш имконини берган;

2010 йилда Ўзбекистон тўқимачилик саноатига Сингапур ва Жанубий-Шарқий Осиёда истикболли истемол бозорига эга бўлган ва самарали ривожланаётган соҳа сифатида илк бор Сингапурнинг (Indorama group компанияси) тўғридан-тўғри сармояси муваффақиятли жалб этилгани тўғрисидаги материаллардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ томонидан 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-31 «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов замондошлари хотирасида» номли амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 1255-2453-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу илмий хулосалар Ўзбекистоннинг янги тарихини илгари ўрганилмаган янги архив материаллари билан бойитган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 7 таси республика, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дипломатик алоқалар”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши омилларини тадқиқ этиш ва икки мамлакат ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлиliga асосий эътибор қаратилган.

Маълумки, дунё ҳамжамиятида Сингапур савдо, молия, маркетинг, хизмат кўрсатиш ҳамда замонавий технологияларни ишлаб чиқарувчи йирик минтақавий ва халқаро марказ сифатида баҳоланади. Шаҳар-давлат Жанубий-Шарқий Осиёнинг муҳим транспорт ва алоқа воситасидир. Сингапурнинг халқаро денгиз порти маъмурияти – жаҳондаги порт ва терминалларни етакчи бошқарувчиси ҳисобланиб, у 11 та мамлакатдаги 20 та портларни бошқариш ҳуқуқига эга¹⁰.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида расман дипломатик алоқалар ўрнатилгунга қадар, давлатлар иқтисодий соҳада ҳамкорлик олиб борди. Хусусан, 1992 йилда Тошкентда «Diyor Savdo uyі» номли биринчи ўзбек-сингапур қўшма корхонаси очилган. Корхона мебел ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, унинг жамғарма маблағлари 428 минг АҚШ долларини ташкил этган¹¹. Замонавий ўзбек-сингапур муносабатларининг истиқболи ва изчил ривожланиши учун, энг аввало, савдо-иқтисодий, хорижий сармоя, гуманитар йўналишлар ҳамда туризм соҳаси муҳим аҳамият касб этади¹².

1992 йили «Дамкент» ўзбек-сингапур қўшма корхонаси Тошкентдаги «Аль-Галайни» фирмаси билан умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлган шартномани имзолади. Унга кўра, Сингапурдан телефон аппаратларни йиғиш учун зарурий қисмларини етказиб бериш келишиб олинди. Бироқ йиғилган маҳсулот Ўзбекистон алоқа вазирлиги томонидан қўйилган

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020. / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан тор доирадаги суҳбатига оид материаллар. В.18.

¹¹Ўша жойда. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга давлат ташрифи. / Сингапур Ташқи ишлар вазирлиги. В.1-2.

¹²ЎЗР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 1042-йиғма жилд, 134-варак.

талабларга жавоб бермаганлиги боис «Дамкент» кўшма корхонаси билан тузилган шартнома бекор қилинди¹³.

1993 йилда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида “Ҳаво йўли тўғрисида”ги дастлабки битим имзоланди¹⁴. Унга кўра, ҳафтада икки марта Тошкент-Сингапур-Тошкент йўналиши бўйича мунтазам йўловчиларни ташиш йўлга қўйилган бўлсада, вақт ўтиши билан молиявий харажатлар копланмаганлиги боис самолёт қатновлари бекор қилинди¹⁵.

Шундай бўлсада, икки давлат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Жумладан, 1997 йил 8 декабрда икки давлат ўртасида расмий дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1998 йилнинг сентябрида Сингапурнинг Ўзбекистондаги биринчи Фавқулотда ва мухтор элчиси этиб Сим Чеок Лим тайинланди¹⁶. Шуни қайд этиш жоизки, ўша даврда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги институтлари эндигина шаклланаётганлиги ва элчилик вазифасини бажарувчи малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли Ўзбекистон ўзининг Сингапурдаги Фавқулотда ва Мухтор элчисини тайинламаган эди.

2006 йилда Сингапур Ташқи ишлар вазирлиги расмий нота орқали 2007 йил 24-26 январда Давлат ташрифини ташкил қилиш таклифини киритди¹⁷. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Сингапурга расмий ташрифи амалга оширилди¹⁸. Ташриф вақтида асос солинган икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси яратилиб, Ўзбекистон ва Сингапур муносабатларини янги даражага кўтариш имкониятини берган 6 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикаси ўртасида имзоланган шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда дипломатик алоқаларни ривожлантиришда муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этди. 2007 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги биринчи Фавқулотда ва Мухтор элчиси этиб А.Курманов тайинланди¹⁹.

2010 йил 28-30 июнда Ҳаётга лаёқатли шаҳарлар маркази ва Сингапур фуқаролик хизмати коллежи кўмагида Сингапур шаҳрида Жаҳон шаҳарлари иккинчи Саммити ҳамда шаҳар ҳокимларининг Бутун жаҳон форуми бўлиб ўтди. Бунга жавобан, 2013 йилнинг 24-27 октябрда Сингапур расмий вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар²⁰. Мазкур тадбирлар доирасида жадаллашиб бораётган урбанизация жараёнларида шаҳарларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи ва саломатлигини

¹³Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА). фонд. М-37, 1-рўйхат, 549-йиғма жилд, 78-варақ.

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга давлат ташрифи / Сингапур Ташқи ишлар вазирлиги. – Б. 1-2.

¹⁵Ўша жойда // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020 / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан тор доирадаги суҳбатига оид материаллар. – Б. 20.

¹⁶ЎЗР ПАА. 975-фонд, 30-рўйхат, 1042-йиғма жилд, 134-варақ.

¹⁷Ўша жойда. 673-йиғма жилд. 217-218-варақ.

¹⁸Новые горизонты сотрудничества // Народное слово. 27 января 2007 года, № 20.

¹⁹Ўша жойда. 1042-йиғма жилд, 135-134-варақлар.

²⁰Сингапур делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюради [Электрон ресурс] URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2013/10/19/singapore/> (Мурожаат санаси 10.06.2020).

мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилиниб, ўзаро тажриба алмашуви йўлга қўйилди.

2016 йил 10-14 июлда Сингапурда бўлиб ўтган Халқаро сув ҳафталиги Саммитида Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этиб, унда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги чегарадош дарё ресурсларидан самарали ва адолатли фойдаланиш масалалари бўйича ўз принципиал нуқтаи назари билан таништирди. Шунингдек, Саммит иштирокчиларига республикада сув тежаш технологияларини жорий этиш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда санитария қоидаларига риоя этиш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича кенг қамровли маълумотлар тақдим этилди²¹.

Тадқиқотда Сингапурда замонавий технологиялардан давлат бошқарувида қўллаш тажрибаси бўйича олиб борилаётган ҳамкорликка ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, 2018 йил март ойидаги Ўзбекистон расмий вакилларининг Сингапурга ташрифи давомида ўзбек делегацияси рақамли ҳукуматни барпо этиш тажрибаси билан яқиндан танишди. Учрашув мобайнида Ўзбекистон Республикаси вакиллари электрон ва рақамли ҳукуматни ривожлантириш ҳамда “ақлли шаҳарлар”ни яратишнинг асосий босқичларини ўрганиб қайтдилар²². Шунингдек, 2018 йилнинг 30 апрел – 1 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари агентлиги ва Адлия вазирлиги ходимлари биргаликда Сингапурга ташриф буюриб, интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш тажрибасини ўрганиш жараёнида Сингапур ҳамкорлик корпорацияси (Singapore Cooperation Enterprise) ва бошқа тузилмалар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу йилнинг 8-12 июлида Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳокими Н.Ҳусанов бошчилигидаги 6 кишидан иборат ўзбек делегацияси VI Бутунжаҳон шаҳарлар Саммити ва Ҳокимлар Форумида иштирок этди. Ташриф давомида Сингапур ҳукумати ташкилотлари билан меморандумлар имзоланди²³.

2019 йилнинг 3 апрелида Сингапур делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашиб, тадбир мобайнида ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро сиёсий маслаҳатлар имкониятини қайта тиклаш масаласи муҳокама қилинди. Унда мазкур механизм ташқи сиёсий муассасалар томонидан аввал имзоланган келишувларни амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларига эътибор қаратиш, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашиш имкониятини яратиши таъкидланди²⁴.

²¹Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020 / Сингапурда ўтказилган Халқаро сув ҳафталиги ҳақида. – Б. 15.

²²Ўзбекистон вакиллари Сингапурнинг рақамли ҳукуматни ривожлантириш тажрибаси билан танишдилар. [Электрон ресурс] URL: <http://infocom.uz/2018/03/26/predstaviteli-uzbekistana-izuchili-opyt-singapura-v-razvitii-cifrovogo-pravitelstva/> (Мурожаат санаси 10.06.2020).

²³Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020. – Б. 12.

²⁴Ўзбекистонда Сингапур Республикаси делегацияси ташрифи бўлиб ўтди [Электрон ресурс] URL: <https://www.uzdaily.uz/ru/post/42828> (Мурожаат санаси 02.06.2020).

Умуман, Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлиги ривожланиши учта даврни босиб ўтди. Биринчи даврда (1991-2006 йй.) Ўзбекистон Республикасида ўзбек-сингапур кўшма корхоналари ташкил этди. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш учун замин яратилди. Шунингдек, ҳар томонлама алоқаларнинг мустаҳкамланиши билан бир қаторда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Сингапур ва Ўзбекистон вакилларининг расмий давлат ташрифлари уюштирилди. Иккинчи даврда (2007-2016 йй.) Ўзбекистон ҳукумат вакилларининг 2007 йил Сингапурга қилган ташрифи давомида икки мамлакатнинг кўп томонлама муносабатларини ривожлантиришга асос солинди. Учинчи даврда (2017-ҳозирги кунга қадар) эса икки давлатнинг кўп томонлама алоқалари замонавий янги сифат босқичига чиқди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Сингапурнинг сиёсий ва иқтисодий ўзаро муносабатлари: йўналиш ва истиқболлар”** деб номланган иккинчи бобида халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги мамлакатларнинг икки томонлама ўзаро муносабатлари тавсифланиб, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш динамикаси таҳлил этилган.

1993 йилда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан республикаимизни Осиё тараққиёт банки (ОТБ) аъзо мамлакатларининг гуруҳларидан бирига кириши масаласи ишлаб чиқилди, натижада Ўзбекистоннинг ОТБ доирасидаги ҳамкорлик фаолияти Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама алоқаларни кенгайтишига хизмат қилиб, мамлакатимизни Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси билан сиёсий ва иқтисодий муносабатлари фаоллашди²⁵.

Ўзбекистон Республикаси БМТ доирасида Сингапур билан БМТ Бош Ассамблеясининг алоҳида масалаларини ҳал этишда муваффақиятли ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда²⁶. Жумладан, 2000 йилда Ўзбекистон ҳукумати Сингапурни БМТнинг Хавфсизлик кенгашига муваққат аъзо (2001-2002 йилларда) бўлиб кириш ва 2004 йилда аёлларнинг камситилишини бартараф этиш бўйича Қўмита аъзолигига сайланиш номзодини қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Сингапур 2005-2006 йилларида БМТ Бош Ассамблеясининг учинчи қўмитасида овоз бериш жараёнида Ўзбекистонни Марказий Осиёда ядровий қуролдан эркин бўлган ҳудудни яратиш борасидаги таклифини ёқлаб чиқди²⁷. Сингапур БМТда мамлакатлар резолюциялари амалиётига қарши чиқиб, 2005-2006 йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича учинчи қўмитада овоз бериш жараёнида Ўзбекистоннинг ёндашувини қўллаб чиқди²⁸.

Икки мамлакатнинг гуманитар йўналишдаги ҳамкорлиги ҳам халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўз ўрнига эга бўлди. Масалан, 2009 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонга “Operation Smile” халқаро

²⁵ЎзМА. М-37-фонд, 1-рўйхат, 462-йиғма жилд, 71-варақ.

²⁶Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020 / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан тор доирадаги суҳбатига оид материаллар. – Б. 5.

²⁷ЎзР ПАА. 975-фонд, 30-рўйхат, 1042-йиғма жилдб, 134-варақ.

²⁸Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020 / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан тор доирадаги суҳбатига оид материаллар. – Б. 7.

ташкilotининг 6 та дўстона ташрифи ташкил этилди. Натижада аҳолига умумий қиймати 778 минг АҚШ долларига тенг тиббий ёрдам кўрсатилди²⁹.

2018 йил 7-9 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси вакиллари, жумладан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар Қўмитаси ва Халқаро муносабатлар ва парламентлараро алоқалар бўйича Қўмита вакиллари Сингапурда бўлиб ўтган Халқаро савдо бўйича минтақавий парламентарийлар семинарида иштирок этдилар³⁰. Тадбир доирасида Ўзбекистонни Бутунжаҳон савдо ташкilotига аъзо бўлиб кириши бўйича музокара жараёнларини фаоллаштириш назарда тутилди³¹.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни холис тадқиқ этиш натижасида 1997 йилда давлатлараро ташқи савдо айланмаси 13 млн. АҚШ долларини ташкил этгани³², 2007 йилдан бошлаб эса иқтисодий соҳада икки мамлакат ҳамкорлиги ривожланишининг жадаллашуви аниқланди.

Икки давлатларнинг инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик сиёсати ҳам кенг кўламда амалга оширилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда Сингапур капитали иштирокида 92 тадан зиёд корхона фаолият юритиб, улардан 47 та корхона 100 фоиз хорижий сармоя ҳисобига ва 45 та қўшма корхоналар эканлиги аниқланди. Мазкур корхоналар тўқимачилик, нефть-кимё, озиқ-овқат, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда³³. Инвестиция йўналишида қўшма ўзбек-сингапур корхоналари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Жумладан, “Indorama Kokand Textile” Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожига молиявий маблағларини жалб этган. Масалан, 2018 йилда “тўқимачилик-пахта кластери” лойиҳаси доирасида 340 млн. АҚШ доллариди инвестиция жалб қилинди³⁴.

Диссертацияда икки мамлакатнинг савдо соҳасидаги ҳамкорлиги ёритилиб, Ўзбекистон ва Сингапурнинг экспорт асосини қора метал ва ундан тайёрланган буюмлар (71,84 %), машина ва асбоб ускуналар, жумладан, эҳтиёт қисмлар (7,37 %), қурилиш материаллари (4,3 %), энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари (2,29 %), кимёвий хомашё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (0,23 %), озиқ-овқат товарлари (0,01 %), хизмат кўрсатиш (14,24) ташкил қилиши очиб берилди³⁵.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш динамикаси ёритилди. Қайд этиш жоизки, 2007 йилдан бошлаб мамлакатлараро иқтисодий алоқалар жадал

²⁹Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонаси 2015-2020 / «Smile Asia» ижроия директори билан учрашув ҳақида. – Б. 9.

³⁰Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирлик ва идоралар 2015-2020. – Б. 4.

³¹Ўша жойда.


³²Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Статистика Давлат қўмитаси томонидан тақдим этилди (04.11.2020).

³³Ўша манба.

³⁴Пракаш Кежривал: Indorama гордится тем, что ей удалось быть частью этого непростого путешествия [Электронный ресурс] URL: <http://www.uzdaily.com/ru/post/42802> (Дата обращения 23.02.2021).

³⁵Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлигининг Халқаро алоқалар Бош бошқармаси томонидан тақдим этилди (17.02.2021).

ривожланмоқда. Асосий натижалар ҳам савдо соҳасида, ҳам сармоя жалб этиш йўналишидаги ижобий кўрсаткичларда ифодаланади. 2017 йилдан икки томонлама иқтисодий салоҳиятни фаоллаштириш жараёни Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига Сингапур сармоясини кириб келиши билан тасдиқланади. 2020 йилда товар айланмасининг асосий кўрсаткичлари 123,4



млн. АҚШ долларига³⁶ тенг бўлиб, бу кўрсаткич 1997 йилдагига нисбатан 10 баробарга ошган.

Иккинчи бобнинг хулосасида икки мамлакат ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигида уларнинг тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда гендер тенглиги борасидаги қарашлари муштарак эканлиги кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Сингапур маданий-гуманитар ҳамкорлиги”** деб номланган учинчи бобида давлатлараро таълим, илм-фан ва маданият йўналишларидаги ўзаро муносабатлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари очиб берилди.

Сингапур давлати учун Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларини ривожлантириш ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири саналади³⁷.

Сингапур ташқи ишлар вазирлиги вакиллари Ўзбекистон билан гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг ривожланиши икки мамлакатнинг ахборот яқинлашувини тезлаштириш билан бирга ишбилармон кишилар доирасида тегишли ҳурматнинг шаклланиши ва истиқболдаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади³⁸.

2007 йил 20 июлда Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти Президенти ва институт Бош котиби ташрифини ташкил этиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциация учрашуви ҳам ўтказилди. Унда икки давлатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Ўтказилган учрашувларнинг асосий ютуқларидан бири 2007 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси

³⁶Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо Вазирлигининг Халқаро алоқалар Бош бошқармаси томонидан тақдим этилди (17.02.2021).

³⁷ЎзР ПАА. 975-фонд, 30-рўйхат, 1095-йиғма жилди, 42-варақ.

³⁸Ўша жойда.

Президентининг “Тошкент шаҳрида Сингапур Менежментни ривожлантириш институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилинишида ўз ифодасини топди³⁹. Мазкур қарорга кўра, 2008 йилнинг 3 мартда “MDIS in Tashkent limited liability company” кўшма корхонасининг таъсис ҳужжатлари имзоланди⁴⁰.

2008 йилда Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш институтига талабаларнинг дастлабки қабули очилди. 2009 йил октябридан филиалда магистратура босқичида ўқитиш дастурини ҳам ташкил этилди⁴¹.

Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институтини очишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. Институтнинг асосий вазифаси “Банк иши”, “Бизнесни бошқариш”, “Туризм” ва “Бизнесда замонавий ИТ” йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш этиб белгиланган⁴².

Сингапур сиёсий доиралари вакиллари Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг очилишига катта эътибор қаратиб, уларнинг фикрига кўра, институт Ўзбекистонни илмий ва маданий марказ сифатидаги аҳамиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади⁴³.

2010 йилда амалга оширилган ўзбек-сингапур сиёсий маслаҳатлари якунига кўра, Сингапур нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликдан ҳам манфаатдор эканлиги таъкидлаб ўтилди⁴⁴.

2016 йил мартда Сингапурда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси вакиллари билан институт раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтган. Учрашув вақтида Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Бош котиби талабаларни ўқитиш соҳаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини баён этди. Жумладан, ўқув жараёнига қўшимча “Мода ва дизайн” ҳамда “Тикланадиган энергия манбалари” мавзуида ўқув йўналишларини киритишни таклиф қилди⁴⁵.

2018 йил 13-16 майда Ўзбекистон Республикасига Сингапур Миллий университети халқаро бўлими ходими Ж.Тан раҳбарлигидаги делегациянинг танишув саёҳати ташкил этилди⁴⁶.

2019 йил 13-14 мартда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ходимларининг Сингапурга ташрифи давомида Маданият, ҳамжамият ва ёшлар вазирлиги, Лакал санъат коллежи, Сингапур ислом дини кенгаши ва Миллатлараро

³⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Сингапур менежменти ривожлантириш институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. [Электронный ресурс] URL: <https://lex.uz/docs/1244065> (Дата обращения 07.05.2020).

⁴⁰ЎЗР ПАА. 975-фонд, 30-рўйхат, 1042-йиғма жилди, 138-варақ.

⁴¹Хорижий мамлакатларда узлуксиз таълим тизими – Сингапурда таълим // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2013. – № 6. – 119-125 б.

⁴²ЎЗР ПАА. 975-фонд, 30-рўйхат, 1042-йиғма жилди, 137-варақ.

⁴³Ўша жойда. 1094-йиғма жилд, 9-варақ.

⁴⁴Ўша жойда. 975-фонд, 30-рўйхат, 1371-йиғма жилд, 145-варақ.

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Сингапур. Вазирликлар ва идоралар 2015-2020 / Раҳбариятнинг мурожаати тўғрисида MDIS. – Б. 9.

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг жорий архиви // Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонаси 2015-2020. – Б. 12.

бағрикенлик маркази раҳбариятлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, Сингапур вакиллари Ўзбекистонда ўтказилган “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивалида ҳам иштирок этди⁴⁷.

Туризм соҳасидаги икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тахлили жараёнида ушбу йўналишдаги алоқалар 2007 йилдан бошланганлиги аниқланди. Бунда илк бор туризм соҳасига оид икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун асос бўлган ҳукуматлараро битимлар⁴⁸ имзоланди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши натижасида 2019 йил 21-23 феврал кунлари Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича I халқаро форум ташкил қилинди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги қошидаги Давлат унитар корхонасининг “Миллий PR маркази” ва “CrescentRating & HalalTrip” компанияси ўртасида “Ўзаро англашув” меморандуми имзоланди⁴⁹. 2019 йилнинг 29 июлида Тошкентда “CrescentRating” Сингапур агентлигининг тақдими бўлиб ўтди, унда “Мусулмон меҳмондўстлиги” хизматлар рейтингини Ўзбекистонда жорий этиш лойиҳаси муҳокама этилди⁵⁰.

Тадқиқот таҳлилларига кўра, 2007-2016 йилларда Сингапурдан Ўзбекистонга 145 нафар саёх келган бўлса, Ўзбекистондан Сингапурга 88 саёхатчи ташриф буюрганлиги очиқ берилди.

2016-2020 йилларда Ўзбекистон ва Сингапурга ташриф буюрган сайёҳлар сони кескин ўсди. Масалан, Сингапурдан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони – 3792 нафарни ташкил этса, Ўзбекистондан Сингапурга борган сайёҳлар – 7221 нафар бўлиб, улар, асосан, зиёрат ва ўлкашунослик туризми мақсадида ташриф буюрди.

Учинчи бобнинг хулосасида Сингапур учун Ўзбекистон билан гуманитар алоқаларини ривожлантириш ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилади. Шунингдек, туризм соҳасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг даврлаштириш босқичлари: биринчи босқич (1991-2006 йй), иккинчи босқич (2007-2016 йй), учинчи босқич (2017 йилдан ҳозирги кунга қадар) ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик тарихини тадқиқ этиш натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. 1993 йилда Ўзбекистон ва Сингапур ҳаво йўли тўғрисидаги муваққат битимни имзолаш орқали давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг пойдеворига

⁴⁷Стали известны, какие музыкальные коллективы примут участие в международном фестивале Sharq taronalari [Электрон ресурс] URL: <https://nuz.uz/kultura-i-iskusstvo/42368-stali-izvestny-kakie-muzykalnye-kollektivy-primut-uchastie-v-mezhdunarodnom-festivale-sharq-taronalari.html>.

⁴⁸Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг Халқаро алоқалар бошқармаси томонидан тақдим этилган (27.11.2020).

⁴⁹Создан узбекско-сингапурский центр по развитию туризма / Правда Востока. 6 марта 2019 года. – № 45.

⁵⁰В столице прошла презентация рейтинга услуг “Мусульманское гостеприимство” [Электронный ресурс] URL: <https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=619> (Дата обращения 19.07.2020).

асос солинган. Бироқ 1995 йилда иқтисодий самара бермаганлиги сабабли мазкур битим бекор қилинган. Шунингдек, тадқиқотда 1997 йилда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар икки мамлакатнинг кўп томонлама алоқаларини ривожлантиришда ижобий натижа бермаганлиги аниқланди.

2. 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Сингапурга қилган Давлат ташрифи натижасида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги икки томонлама ўзаро муносабатлар интенсив ривожлана бошлаган. Ташриф вақтида ҳукуматлараро битим ва шартномалар имзоланиб, улар истиқболдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда давлатлараро ҳамкорликни янада ривожланиш учун мустаҳкам замин яратди.

3. Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида ҳамкорлик ўрнатилгандан сўнг икки давлат халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро фаол ҳаракатларни амалга оширмоқда. Тадқиқотда икки мамлакат алоқаларининг устивор йўналишлари Бирлашган Мамлакатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик бўлиб, бунда давлатларнинг ташқи сиёсий институтлари бир-бирларини ва БМТнинг асосий мақсадларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мазкур мақсадлар терроризм, наркобизнес, диний экстремизмга қарши курашишга қаратилган. Алоҳида халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолияти доирасидаги Ўзбекистон бир қатор ўз ечимини кутаётган масалаларга эга бўлиб, уларни ҳал этишда Сингапурнинг ёндашуви ёрдам бермоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши, бу борада музокараларни олиб бориш Сингапурда ташкил этилган ўқув семинари жараёнида ўрганилиб чиқилган. Давлатлар Осиё тараққиёт банки фаолияти доирасида ҳам ўзаро қўллаб-қувватлаш борасида фаол ҳаракатлар олиб бормоқда.

4. 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Сингапурнинг икки томонлама ҳамкорлиги фаол ривожланиши сифат босқичига ўтган. Айнан шу даврдан бошлаб икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар янги даражага кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга қилган давлат ташрифи вақтида қабул қилинган ҳукуматлараро ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада кенгайишига хизмат қилди.

5. Расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилгунга қадар ҳам Ўзбекистон ва Сингапур иқтисодий йўналишда икки томонлама алоқаларни олиб борган. XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистон ҳудудида кўшма савдо корхоналари очилган бўлиб, улар савдо, озиқ-овқат ва мебел ишлаб чиқариш билан шуғулланган. 2007 йилга қадар Ўзбекистон ва Сингапур, асосан, савдо соҳасида ҳамкорлик қилиб, ундан сўнг икки мамлакатнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлигида сезиларли ўзгаришлар кузатила бошлаган. Айнан ўша пайтдан бошлаб Сингапурнинг йирик корхоналари Ўзбекистон саноати ривожига сармоя киритиб, тўқимачилик ишлаб чиқаришига катта молиявий маблағлар жалб этилди.

6. Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим ютуғларидан бири Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг очилиши бўлди. Институт икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга самарали ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга икки мамлакатнинг илм-фан соҳасидаги ўзаро муносабатлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бу Ўзбекистон вакилларининг Сингапурда ташкил этилган қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш ўқув машғулотларида фаол иштирокида намоён бўлмоқда. Маданият соҳасида давлатлараро алоқаларнинг ривожланишида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистоннинг Сингапурдаги элчихонаси турли маданий тадбирларда иштирок этиб, ўзбек маънавий ва маданий меросини фаол тарғиб этмоқда.

7. Икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Олиб борилган тадқиқот натижалари дастлаб ўрнатилган дипломатик муносабатлар Ўзбекистон ва Сингапурнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмаганлигини тасдиқлайди. Масалан, 2005-2006 йилларда Ўзбекистонга Сингапурнинг 27 фуқароси ташриф буюрган бўлса, улардан тўрт нафаригина сайёҳлик мақсадида келган эди.

8. Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонаси туристик ярмаркаларни ташкил этиб ва уларда иштирок этганларни Ўзбекистонга сайёҳ сифатида жалб этишга кўмаклашмоқда. Масалан, 2016 йилда туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда республика минтақаларида туристик хизматларнинг экспорт имкониятини ошириш бўйича манзилли тадбирлар дастурига мувофиқ Сингапурда Ўзбекистон Республикасининг туристик салоҳиятини очиб берувчи 6 та тақдимот ташкил қилинган. Буларнинг натижаси ўларок иккита мамлакатларга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг сони маълум даражада ўсганлиги кузатилади. Жумладан, 2016-2020 йилларда Ўзбекистонга 3792 нафар сингапурлик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, Сингапурга 7221 нафар ўзбекистонликлар саёҳат қилган. Шунга қарамадан, бизнинг фикримизча, мазкур йўналишда элчихона томонидан амалга оширилаётган ишларни етарлича фаол деб баҳолаб бўлмайди. Сингапур ташаббусига билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича қўшма ўзбек-сингапур маркази Сингапур сайёҳларини Ўзбекистонга ташрифи динамикасига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришга ҳам кўмаклашмоқда.

9. Ўзбекистон ва Сингапурнинг икки томонлама ҳамкорлиги тарихининг турли даражадаги таснифи ва таърифини ўз ичига олган даврлаштириш услуби ишлаб чиқилди ва у уч босқични камраб олади: биринчи босқич (1991-2006 йй), иккинчи босқич (2007-2016 йй), учинчи босқич (2017 йилдан ҳозирги кунга қадар).

Тадқиқот натижалари илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суришга имкон яратди:

1. Ўзбекистон Республикасига Сингапур вакилларининг охириги ташрифларининг ижобий натижаларини инобатга олган ҳолда Сингапурнинг

конунчилик соҳасидаги тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда икки мамлакат парламенти мутахассислари алмашувини йўлга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сингапур парламенти вакиллари билан парламентлараро учрашувларни мунтазам равишда ўтказиши мақсадга мувофиқ.

2. Республикада фан ва таълим тараққиётини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Инновация ривожланиш вазирлиги билан Сингапур Илм-фан, технологиялар ва тадқиқотларни ривожлантириш агентлиги ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш таклиф этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мамлакатда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этишга йўналтирилган қарорларини инобатга олган ҳолда, халқаро майдонда ижобий мавқега эга бўлган Сингапурдаги Коррупцияни тергов қилиш бюроси мутахассисларини амалий тажриба алмашиш учун жалб этиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистон ва Сингапур олий таълим муассасалари ўртасида узоқ истиқболли ҳамкорликни ўрнатиш орқали таълимни ривожлантириш борасида мақсадли ишларни йўлга қўйиш лозим. Бунда Ўзбекистон ва Сингапурга мунтазам равишда ўқув-амалий хизмат сафарларини ташкил этиш борасида алоқалар ўрнатиш ҳам гуманитар, ҳам табиий фанлар бўйича илмий салоҳиятни оширишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг етакчи университетлари ҳисобланган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетига янги қабул қилинган “2030 йилга қадар олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси”ни ҳисобга олган ҳолда, Сингапурнинг етакчи олий таълим муассасалари билан яқин алоқалар ўрнатиши, малакали профессор-ўқитувчиларни маърузалар ўқиш учун таълим муассасаларга жалб этиш тавсия этилади.

5. Ўзбекистоннинг туризм соҳасини модернизациялаш мақсадида мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ходимлари учун Сингапурда амалий ўқув машғулотлари ва вебинарларни ташкил этиш, шунингдек, Сингапур туризмни ривожлантириш кенгаши мутахассисларини Ўзбекистонга жалб этиш ва уларнинг амалий билимлари ва тажрибасини туризм тармоғини такомиллаштиришга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04
ON AWARDING SCIENTIFIC DEGREES UNDER THE NATIONAL
UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

SHAKIROV ILYAS RAKHIMZYANOVICH

**THE HISTORY OF COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND
SINGAPORE (1991-2020)**

07.00.01 – History of Uzbekistan

**DISSERTATION ABSTRACT FOR THE
DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON HISTORICAL SCIENCES**

TASHKENT – 2021

The title of dissertation was registered under number B2021.3.PhD/Tar494 at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation was done at National university of Uzbekistan.


The abstract of the dissertation was posted in three languages (Russian, Uzbek, English (resume) on the website of Scientific Council (www.ik-tarix.nuu.uz) and on the Ziyonet information and educational portal (www.ziyonet.uz).


Scientific supervisor:	Kobzeva Olga Petrovna Doctor of historical sciences
Official opponents:	Nuriddinov Erkin Zuhriddinovich Doctor of historical sciences, professor
	Mahkamova Nodira Rahmanovna Doctor of political sciences, professor
Leading organization:	Tashkent state university of oriental studies

The defense of the dissertation will be held on «06»12 2021 at 14:00 at the meeting of the Scientific council Number DSc.03/30.12.2019. Tar.01.04 on award the scientific degrees under the National University of Uzbekistan (Address: 100174, Tashkent, Mirza Golib Street. Faculty of History of the National University of Uzbekistan, 1th floor, 110-room. Tel: (99871) 227-12-24, Fax: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. National University of Uzbekistan.

Dissertation can be found in the informational-source center of the National University of Uzbekistan (registered under 113) Address: 100174, Tashkent, University Street, 4. Head building of the National University of Uzbekistan, first floor, 4th room. Tel: (99871) 246-67-71, fax: (99871) 246-02-04.

Abstract of the dissertation is delivered «18» 11 2021.
(register of certificate of delivery № ___ of «19» 07 2021.


Kh.E. Yunusova
Chairman of the Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of historical sciences, Professor.


B.B. Khaynazarov
Scientific Secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy (PhD in historical sciences)


N.I. Musayev

INTRODUCTION (abstract of the PhD thesis)

The aim of the research work is to analyze and generalize the history and prospects of cooperation between Uzbekistan and Singapore.

The object of the research work is a history of development cooperation between Uzbekistan and Singapore.

The scientific novelty of the research is as follows:

it has been proved that cooperation between Uzbekistan and Singapore consists of three stages: at the first stage (1991-2006), economic and political ties were established and developed between the two states; in the second (2007-2016) Uzbekistan became a strategic and economic partner of Singapore in Central Asia; and the third stage (starting in 2017) is distinguished by the strengthening of inter-parliamentary ties, the expansion of cooperation in the field of tourism, culture and education, the active growth of the volume of trade between the countries;

it is substantiated that Ziyorat tourism has become the most dynamically developing area of cooperation between the two states as a result of active coverage of the tourism potential of the republic in the countries of Southeast Asia by tour operators of Singapore, where more than 15% of the population are Muslims who want not only to get acquainted with the historical and cultural heritage of Uzbekistan, but also perform a small hadj;

it was proved that in 2000 Uzbekistan supported the candidacy of Singapore for its inclusion as a non-permanent member in the UN Security Council (2001-2002) and the Committee on the Elimination of Discrimination against Women (2004), and Singapore for Uzbekistan's entry into the World Trade Organization;

it is argued that in 2010 direct investments of Singapore (Indorama group company) were successfully attracted in the textile industry of Uzbekistan, as a promising development sphere and consumer market in Southeast Asia and Singapore.

Implementation of research results. Based on scientific results and practical recommendations on the history of bilateral cooperation between Uzbekistan and Singapore in 1991-2020:

Scientific results related to the fact that cooperation between Uzbekistan and Singapore consists of three stages: at the first stage (1991-2006), economic and political ties were established and developed between the two states; in the second (2007-2016) Uzbekistan became a strategic and economic partner of Singapore in Central Asia; and the third stage (starting in 2017) is distinguished by the strengthening of inter-parliamentary ties, the expansion of cooperation in the field of tourism, culture and education, the active growth of the volume of trade between the countries were used in the work of the Committee on International Affairs and Inter-parliamentary Relations of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis Republic of Uzbekistan (reference No. 10 / 1-07-103 of the Committee on International Affairs and Interparliamentary Relations of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated November 05, 2020). As a result, this contributed to the further strengthening of interstate and inter-parliamentary relations between Uzbekistan and Singapore, and also allowed to

show the most important areas of bilateral cooperation between Uzbekistan and Singapore;

scientific results to substantiate the fact that Ziyorat tourism has become the most dynamically developing area of cooperation between the two states as a result of active coverage of the tourism potential of the republic in the countries of Southeast Asia by tour operators of Singapore, where more than 15% of the population are Muslims who want not only to get acquainted with the historical and cultural heritage of Uzbekistan, but also perform a small hadj used in the work of the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan (reference No. 02-19 / 4602 of the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan dated November 24, 2020). As a result, this made it possible to show the need to strengthen and develop interstate relations in the field of innovations and their importance for the development of the state in the modern period.

research materials that in 2000 Uzbekistan supported the candidacy of Singapore for its inclusion as a non-permanent member in the UN Security Council (2001-2002) and the Committee on the Elimination of Discrimination against Women (2004), and Singapore for Uzbekistan's entry into the World Trade Organization were used in the preparation of the script for the “Taqdimot” broadcast on the “O'zbekiston tarixi” TV channel (reference No. 02-10-1009 of the National TV and Radio Company of Uzbekistan dated June 15, 2021). The results of the research work made it possible to characterize the history of bilateral relations between Uzbekistan and Singapore, show the additional source of information to explain the information to the general public on bilateral relations between the Republic of Uzbekistan and the Republic of Singapore, on the development of tourist relations between the two countries;

research materials that in 2010 direct investments of Singapore (Indorama group company) were successfully attracted in the textile industry of Uzbekistan, as a promising development sphere and consumer market in Southeast Asia and Singapore used in the development of a practical project OT-A1-31 “Uzbekistan Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov zamondoshlari hotirasida”, performed in 2017-2018 at the Coordination Methodological Center of Contemporary History at the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (reference No. 3 / 1255-2453 of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan dated November 11, 2020). As a result, this scientific enrichment has enriched the modern history of Uzbekistan with new, previously unexplored archival materials;

The structure and scope of the thesis. The dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion and the list of used sources and literature. The research part of the thesis are 122 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I часть (I бўлим; Part I)

1. **Шакиров И.Р.** История реформирования системы образования Сингапура: опыт и результаты // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2019. – № 1. – Б. 26-33 (07.00.00. № 15).

2. **Shakirov I.R.** History and prospects of cooperation Between Uzbekistan and Singapore // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA. 2019. – № 04 (72). – P. 565 – 569 (№ 2. Journal Impact Factor: 1.5).

3. **Шакиров И.Р.** Достижение Сингапуром независимости и трудности начального этапа развития // Ўтмишга назар. – Тошкент, 2019. – № 17. – Б. 75-84 (07.00.00. № 41).

4. **Shakirov I.R.** Singaporean experiences of combating with corruption and its using in condition of Uzbekistan // Zamonaviy fan, ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari (Mintaqada zamonaviy fan, ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari). – Urganch, 2019. – P. 349-360 (07.00.00. № 28).

5. **Shakirov I.R.** A bilateral cooperation between Uzbekistan and Singapore // International Journal of Critical Reviews, 2020. – P. 434-438 (№ 41. SCImago: 15), (№ 3: Scopus: 0.2).

6. **Shakirov I.R.** Innovative policy in Singapore // International journal of research and development, 2020. – P. 238-241 (№ 2. Journal Impact Factor: 1.2).

7. **Шакиров И.Р.** Предыстория обретения независимости Сингапуром // АНДУ илмий хабарлар. – Андижан, 2020. – Б. 24-29 (07.00.00. № 16).

8. **Шакиров И.Р.** История становления и развития двустороннего сотрудничества Узбекистана и Сингапура (1997-2007) // I международное книжное издание стран Содружества Независимых Государств «Лучший молодой ученый – 2020». – Казахстан, Нур-Султан, 2020. – С. 70-73.

9. **Шакиров И.Р.** Туристическая политика Сингапура: история и современность / Материалы 1-ой международной конференции «Великий шелковый путь – дорога мира, согласия и стабильности». – Казахстан, Туркестан, 2019. – С. 275-279.

10. **Шакиров И.Р.** Предпосылки и факторы установления дипломатических отношений Узбекистана и Сингапура // Ўтмишга назар, 2021. – №SI 2. – С. 236-244 (07.00.00. № 41).

11. **Шакиров И.Р.** Из истории взаимоотношений Узбекистана и Сингапура в сфере туризма (1991-2020) // ЎзМу хабарлари. – Ташкент, 2021. – № 1/3. – С. 24-28

12. **Шакиров И.Р.** История сотрудничества Узбекистана и Сингапура в сфере туризма (2007-2016) / Материалы Республиканской 31-междисциплинарной дистанционной онлайн конференции, на тему: “Научно-практические исследования в Узбекистане”. Часть 3. – Ташкент, 2021. – С. 9-11.

13. **Шакиров И.Р.** История взаимоотношений Узбекистана и Сингапура в экономической сфере (1997-2007) // ҚарДУ хабарлари. – Қашқадарё, 2021. – № 3/49. – С. 67-72.

II часть (II бўлим; Part II)

14. **Кобзева О.П., Шакиров И.Р.** Вклад Первого Президента Узбекистана Ислама Абдуганиевича Каримова в организации международного фестиваля “Шарк тароналари” – как инструмента народной дипломатии / Материалы научно-практической конференции «Роль и место народной дипломатии в укреплении сотрудничества и дружбы Узбекистана с мировым сообществом». – Ташкент, 2017. – С. 177-181.

15. **Шакиров И.Р.** Ли Куан Ю – основоположник современного Сингапура / Международная научная конференция теоретических и прикладных разработок «Научные разработки: евразийский регион». – Москва, 2019. – С. 54-58.

16. **Шакиров И.Р.** Томас Раффлз и Ли Куан Ю и их место в истории Сингапура / Международная научная конференция, посвященная 80-летию профессора Р.Х.Сулейманова. – Ташкент, 2019. – С. 220-231.

17. **Шакиров И.Р.** Межнациональное согласие – как основополагающий принцип политики Первого Президента Узбекистана Ислама Абдуганиевича Каримова / Материалы научно-практической конференции «Ёш олимлар». – Термез, 2017. – С. 114-115.

18. **Шакиров И.Р.** Инновации и их роль в построении новой государственности в Сингапуре / Очерки по истории государственности: Политика, экономика, культура. – Ташкент: «Turon-Iqbol», 2020. – С. 302-311.

19. **Кобзева О.П., Шакиров И.Р.** История взаимоотношения Узбекистана и Сингапура в сфере экономики (1997-2007) // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue 1. – № 03 (2020) / ISSN 2181-1415. – С. 17-22.